

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 5

Самарканд шаҳри

20 - январ 2022- йил

АЖ «Самарканд дори-дармон» кейинги ўринларда «Сотувчи» деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи бошқарув раиси Шерматов Ф. номидан, бир томондан ва СамМИ 1-клиникаси, кейинги ўринларда «Сотиб олувчи» деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи бош врач Абдуллаева Н.Н. номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

№	Международное название	Лекарственная форма выпуска	Ед.И зм.	Кол-во	Цена	Сумма	Н Д С %	НДС	Всего
1	Sodium oxybate НАТРИЯ ОКСИБАТ (Natrii oxybatum)	Раствор для внутривенного и внутримышечного введения 200 мг/мл 5 мл N5	упак	9	23 253	209 277			209 277
2	Sodium oxybate НАТРИЯ ОКСИБАТ (Natrii oxybatum)	Раствор для внутривенного и внутримышечного введения 200 мг/мл 5 мл N5	упак	31	21 530	667 430			667 430
3	Ketamine КЕТАМИН ЗН (Ketaminum)	Раствор для инъекций 50 мг/мл 2 мл N10 (1x10), N10 (2x5) (ампулы)	упак	40	27709	1108360			1108360
									1 985 067

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: 2022 йил 31-декабргача

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 1 985 067 (Бир миллион туккиз юз саксон беш минг олти миш етти) сумми ташкил этади.

2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг январ ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 30 кун ичида амалга оширилади.

2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпланда ярқисиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.1.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса-10 % миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ива нови лозим даражада булмаган товарлар қийматининг, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлайди.

5.4. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортик булмаган миқдорда пена тўлайди.